Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 29 август, № 178 (9349) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН — СИНГАПУР МУНОСАБАТЛАРИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сингапур Республикасининг Катта вазири Ли Сянь Лун бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Суҳбат аввалида Катта вазир Сингапур Президенти Тарман Шанмугаратнам ва Бош вазири Лоуренс Вонгнинг самимий саломи ҳамда эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Сингапур муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Сиёсий мулоқот ҳамда барча даражалардаги икки томонлама алоқалар фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Товар айирбошлаш ҳажми ва қўшма корхоналар сони жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Сингапурнинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган инвестициялари ҳажми қарийб 2 миллиард долларни ташкил этди.

Сингапур ишбилармонларининг юртимиздаги инвестициявий фаолиятини кенгайтириш режалари қўллаб-қувватланди. Стратегик ва инновацион шериклик бўйича ўрта муддатли қўшма дастурни ишлаб чиқиб, унда савдо, инвестициялар, технологиялар трансфери, давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш, инсон капиталини ривожлантириш, рақамлаштириш ва бошқа йўналишларга устуворлик беришга келишиб олинди.

Ўзбекистонда махсус иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш, Тошкент халқаро молия маркази ва рақамли банк тизимини ривожлантиришда Сингапурнинг илғор тажрибасини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сингапур олий таълим муассасаларининг мамлакатимиздаги фаолияти бундан буён ҳам қўллаб-қувватланиши билдирилди.

Юқори даражада эришилган келишувларни амалга ошириш жараёнини баҳолаш ва қўшма режаларни мувофиқлаштириш учун сиёсий ва иқтисодий тузилмалар ўртасида мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Яқинда Ўзбекистон БМТнинг Медиация тўғрисидаги Сингапур конвенциясига қўшилгани олқишланди.

Халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш ҳамда минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҚАҲРАМОН АЖДОДЛАР ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Мустақиллик байрами арафасида Ватан озодлиги йўлида курашган қаҳрамон аждодларимизни миннатдорлик билан ёд этамиз. Уларнинг жасорати бугунги эркин ҳаётимиз ва миллий истиқлолимизнинг қадрини янада теран англатади.

28 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, уламолар, нуронийлар ва зиёлилар йиғилди.

Қатағон қурбонларини ёд этиш маросимида Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ватан фидойилари ҳақига Қуръон тиловат қилиниб, дуо ўқилди. Элга ош тортилди.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда давлатимиз раҳбарининг уламолар ва зиёлилар билан тарихий хотирани асраш, қатағон қурбонлари номини тиклаш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари юзасидан мулоқоти бўлди.

— Шу кунларда эл-юртимиз билан биргаликда мустақиллигимизнинг 35 йиллигини катта хурсандчилик билан кутиб оляпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ўттиз беш йилдан буён ҳеч кимга қарам бўлмасдан, мана шундай тинч ва тиниқ осмон остида эркин ва фаровон яшаяпмиз. Бу — катта бахт, бебаҳо бойлик. Шундай улуғ кунларда истиқлол ва озодлик йўлида ҳалок бўлган қаҳрамон аждодларимизни эслаш, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириш — муқаддас бурчимиз.

Давлатимиз раҳбари фидойи аждодларимизнинг қаҳрамонлиги ҳеч қачон унутилмаслиги, уларнинг жасорати халқимиз учун ҳамиша маънавий куч манбаи бўлиб қолишини таъкидлади.

— Барча ислоҳотларимиз марказида турган “Инсон қадри учун!” деган эзгу ғоя жасур ота-боболаримизнинг руҳларини шод этиш, орзу-ниятларини рўёбга чиқариш бўйича ишларимизни янада кучайтиришни талаб этади. Бу азиз инсонлар хотираси қанча эъзозланса, бугунги тинч ҳаётимиз, миллий истиқлолимиз қадри шунча ошади, — деди Президент.

(Давоми 2-бетда).

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

ВАТАНИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Янги Тошкент шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирдан репортаж

Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий *“Кимса юз йил комронлиғ қилса, билким, арзимас, Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми била”,* деб ёзаркан, инсон юз йил давомида ўз хоҳиши, иродаси ва ихтиёри билан яшаган бўлса-ю, аммо бир лаҳзага эркидан маҳрум этилса, ўша қарамлик алами бутун умрлик бахтни соя остида қолдиришини назарда тутади.

Дарҳақиқат, бир лаҳзалик эрксизлик ҳам абадиятдек оғир. Эркинлик эса чинакам бахтнинг ўлчови, ўз инон-ихтиёрига эгалик инсон қадрининг ҳақиқий мезонидир. Шу маънода, миллатнинг комронлиги унинг ўз тақдири, ўз йўли, ўз келажаги устидан ўзи қарор қабул қила олиши — миллий ихтиёр ва миллий эркка эга бўлиши билан белгиланади.

Таассуфки, элимиз бир асрдан зиёд вақт мобайнида мустамлакачилик шароитида, адолатсизлик ва зўравонлик исканжасида яшади. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Она тилининг қадрини тўла намоён қилиш, буюк ўтмиши ҳақида сўзлаш, аждодлари билан фахрланиш, келажак ҳақида ўз орзу-умидларини дадил баён этиш ҳам осон кечмади. Миллатнинг руҳига соя солган бу зулматли даврлар халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Аммо зулм қанча узоқ давом этмасин, эркка интилиш туйғусини инсон қалбидан ўчира олмайди. Зеро, озодлик — халқнинг қонига, хотирасига, маънавий генетикасига сингиб кетган буюк эҳтиёж.

Халқимиз ҳам ана шу муқаддас эҳтиёжни қалбида асраб, оғир синовлардан бошини баланд тутиб ўтди. Турли машаққат ва қийинчиликлар уни синдирмади, аксинча, тобланди. Ўзлигини англаган, тақдири ҳал бўлаётган паллада бир мақсад атрофида жипслашган халқ бир мушт бўлиб тарих майдонига чиқди. Асрлар давомида шаклланган иродасини, қатъияти ва матонатини яна бир бор намоён этди. 1991 йил 1 сентябрь — Ўзбекистон халқининг асрий орзулари рўёбга чиққан, тақдиримизни ўз қўлимизга олган буюк сана сифатида тарих зарварақларидан жой олди. Бу кун Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Шу кундан бошлаб тарихимизнинг янги саҳифаси очилди. Мустамлакачилик зулми ва адолатсизликлардан зулматга чулғанган қалбларга умид зиёси кириб келди. Халқимизнинг қоронғу, рутубатли ва ҳазин тунлари тиниқ, мусаффо, хушҳаво тонгларга уланди.

(Давоми 3-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун муқаддас Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ ўттиз беш йиллик байрамини катта ифтихор ва тантана билан нишонлаяпмиз.

Азиз халқимиз, жумладан, муҳтарам нуронийларимиз, шижоатли ёшларимиз, мўътабар аёлларимизни, юртимиздаги барча миллат ва элат вакилларини, хориждаги ватандошларимизни ушбу айём билан чин юракдан самимий табриклайман.

Энг улуғ байрамимиз Янги Тошкентда ўтказилаётгани тантана шукуҳини янада оширмоқда.

Келгусида илм-фан, таълим ва маданият маркази бўладиган ушбу ҳудудда куни кеча Янги Ўзбекистон университети, Низомий Ганжавий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети, Ўзбекистон миллий кутубхонасининг муҳташам биноларини ишга туширдик.

Бугун сизларнинг иштирокингизда очиладиган фаввора дунёдаги энг баланд мусиқали фаввора сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олгани ҳам байрам кайфиятига янада баланд руҳ бағишлайди.

Бир неча юз йиллик орзулар рўёбга чиқаётган бу бетакрор маконда бутун халқимиз билан ҳали яна кўплаб қувончли ва тарихий воқеаларга гувоҳ бўламиз.

Аминманки, Янги Тошкент пойтахтимизнинг кўркига кўрк қўшиб, биз барпо этаётган Янги Ўзбекистоннинг куч-қудратини намоён этадиган чинакам тараққиёт марказига айланади!

Қадрли дўстлар!

Биз 1991 йилда халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва қатъияти билан ўз давлат мустақиллигимизни қўлга киритдик. Аслида буюк истиқлолимиз илдизлари уч минг йилдан зиёд бўлган давлатчилик анъаналаримиз ва қадимий цивилизациямиз тарихига бориб тақалади.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Мир Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз башарият тафаккури хазинасини бойитган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз барпо этган давлат эса адолат ва бунёдкорлик тимсоли сифатида тарих зарварақларидан муносиб ўрин олган.

Ватан озодлиги ва миллий истиқлол йўлида жонини фидо қилган Беҳбудий, Мунавварақори, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби жадид боболаримизнинг ҳуррият ҳақидаги орзу-ниятлари бугун Янги Ўзбекистонда тўлиқ рўёбга чиқмоқда.

Мустақиллик, энг аввало, бизга шону шарафимизни, муқаддас динимизни, она тилимизни, унутилаётган миллий қадриятларимизни қайтариб берди.

Истиқлол туфайли биз ўзлигимизни англадик, номи ҳамиша эъзозда бўлган ота-боболаримизнинг муносиб ворислари эканимизни бутун дунёга намоён этдик.

Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда бугунги эркин ҳаёт учун жонини фидо қилган улуғ аждодларимиз, жадидлар хотирасига таъзим бажо келтирамиз.

Мана шу тарихий санада ўтган 35 йил давомида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган барча марҳум юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати ва жасоратини яна бир бор эътироф этишни жоиз деб биламиз.

Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёркин хотирасини эҳтиром билан ёд этамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Мустақилликнинг буюк аҳамияти, аввало, инсон қадри ва эркин ҳаётида намоён бўлади. Шу боис биз ислоҳотларни бошлаган биринчи кунларданоқ халқнинг қалбига қулоқ солдик, аҳолининг дардига дармон бўлишни мақсад қилдик. “Инсон қадри учун!” деган ғояни давлат сиёсатининг марказига олиб чиқдик. Биринчи галда “пахта қуллиги”, “мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати”, “конвертация чеклови”, “прописка” каби одамларни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларга барҳам бердик.

Энг асосийси, фуқароларимиз юрагидаги қўрқув ҳамда ҳадик ўрнини ишонч ва хотиржамлик эгаллади. Ҳар бир инсон эркин ва фаровон яшайдиган жамият барпо этиш учун кейинги ўн йилда тинимсиз изландик, қаттиқ меҳнат қилдик.

Катта сиёсий ирода кўрсатиб, Ўзбекистонни дунёга кенг очдик. Хусусан, чегара муаммолари ҳал қилинди, қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланди. Валюта, солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада “Иқтисодий эркинлик индекси”даги ўрнимизни 80 поғона яхшилаб, “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олдик.

Илгари иқтисодиётимизга йилига 2-3 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келинган бўлса, ҳозирги пайтда 40 — 50 миллиард доллар чет эл сармояси жалб қилинмоқда. Юртимизга инвестициялар билан бирга илғор технологиялар, замонавий билим ва янги иқтисодий имкониятлар кириб келмоқда.

Биз уч йил олдин 2030 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказишни режа қилган эдик. Глобал логистикадаги узилишлар, дунёдаги нотинч вазиятга қарамасдан, бу вазифани шу йилнинг ўзида ортиғи билан амалга оширамиз ва даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кирамиз.

(Давоми 2-бетда).

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди 29-30 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Бўлажак музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Тизимли сиёсий мулоқот ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш, савдо, энергетика, кимё, геология, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида аниқ дастурлар ҳамда кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор эътибор қаратилади.

Халқаро сиёсат ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари ҳамда кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилади.

Учрашув якунида икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

ЎзА.

Ҳамкорлик

ЎЗАРО МАНФААТЛАРГА ТАЯНГАН ИШОНЧ КЎПРИГИ

Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг Президент Шавкат Мирзиёев таклифига биноан 29-30 август кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлиши икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни янги, амалий босқичга олиб чиқувчи ўта муҳим воқеликдир. Бундай тартибдаги ташриф протокол бўйича энг юқори даражадаги дипломатик тадбир ҳисобланади ва Деҳлининг Тошкентга марказий стратегик ҳамкор сифатида қараётганидан далолат беради.

Дунёнинг геоиқтисодий ва геосиёсий харитасида жадал ўсиш ва глобал таъсир доирасини кенгайтириш нуқтаи назаридан Ҳиндистон алоҳида ўрин тутади. Ҳиндистон — замонавий, технологик ва саноат жиҳатдан шиддат билан ривожланаётган, глобал нуфузи тобора ортиб бораётган қудратли давлат бўлиб, бугунги кунда глобал иқтисодий ўсишнинг асосий локомотивларидан бирига айланди. 1,5 миллиардга яқин аҳолига эга ушбу мамлакат XXI асрнинг муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий ўйинчиларидан биридир.

3

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 29 август

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътиборли жиҳат — биз бундай юксак натижаларга халқимизнинг фидокорона меҳнати, интеллектуал салоҳияти ҳамда миллат ва давлат бирдамлиги туфайли эришяпмиз. Ижобий ўзгаришларни ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз ҳаётида чуқур ҳис этяпти, десам, фикримга қўшиласиз, албатта.

Янги даврда замонавий уй-жойга эга бўлган 650 мингдан зиёд оиланинг қувончини сўз билан таърифлаб бўладими?

Минглаб маҳаллаларимизга Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб бормоқда.

Камбағаллик масаласини очиқ тан олиб, уни кескин қисқартириш бўйича Янги Ўзбекистон тажрибасини яратдик. Эҳтиёжманд оилаларнинг даромади, касби, саломатлиги, фарзандларининг таълим олиши ва яшаш шароитини яхшилаш бўйича маҳаллабай ишлаш тизимини йўлга қўйдик.

Изчил саъй-ҳаракатларимиз туфайли бугунги кунда камбағаллик даражасини 2017 йилдаги 35 фоиздан 4 фоизга туширишга эришдик. Ушбу рақамлар замирида рўзғорига барака кириб, турмуш сифати яхшиланган 10 миллион инсоннинг қувончи ва шукроналик туйғулари мужассам.

Муҳтарам юртдошлар!

Дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимиз учун бизга билимли, келажак касбларини пухта эгаллаган, мустақил фикрига эга бўлган янги авлод мутахассислари керак. Шу боис таълимга сифат ва мазмун олиб киряпмиз. Муаллимнинг обрў-эътиборини тиклаб, даромадини ошириб боряпмиз.

Ўтган ўн йилда, аҳолимиз 8 миллионга кўпайган шароитда ҳам боғча қамровини 78 фоизга етказдик. Мактабларда 1,5 миллион қўшимча ўқувчи ўрни яратилди. Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар ташкил этилгани фарзандларимизга етакчи хорижий таълим масканларидан кам бўлмаган даражада чуқур билим эгаллаш учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Ёшларга хорижий тиллар ва касб-ҳунар ўрганишлари учун муносиб шароитлар яратдик.

Олийгоҳларда ўқиш учун қулай шароитларни кенгайтирганимиз ҳисобига ҳозирги кунда талабалар сони 1 миллион 600 минг нафарга етди. Қувонарлиси, ёшларда билим олишга иштиёқ кучайди. Ота-оналар учун фарзандини олий маълумотли қилиш фақат орзу эмас, эришса бўладиган мақсадга айланди.

Айниқса, талабаларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этаётгани — Учинчи Ренессанснинг ўзига хос қиёфаси, десак, тўғри бўлади. Чунки **билимли қизлар — билимли оила, билимли авлод ва маърифатли жамият дегани**.

Биз таълим билан бир қаторда илм-фан, замонавий технология ва инновацияларни ҳам тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омили деб биламиз.

Шу билан бирга, IT, сунъий интеллект, креатив иқтисодиёт каби йўналишлар ривожига янги руҳ бериб, жуда катта ҳаракатни бошлаб юбордик. Бу орқали 10 миллион ёшларимизни рақамли индустрия ва келажак касбларига олиб кирамиз.

Истиқлол байрамимиз арафасида хитойлик ҳамкорларимиз билан “Самарқанд — 2028” сунъий йўлдошини фазога учирганимиз бизга алоҳида ғурур бағишлайди.

Менинг ниятим: Ўзбекистон технология соҳаларида жаҳонга илғор ташаббусларни таклиф қиладиган марказга айланиши зарур.

Ўзбек тили — рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозим.

Азиз ватандошлар!

Инсон қадри ҳақида сўз юритганда, аҳолимизнинг соғлиги масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз табиий. Сўнгги йилларда ушбу соҳага ажратилаётган маблағни 8 каррадан зиёд оширдик. Энг муҳими, сифатли тиббий хизмат олиш имконияти нафақат марказда, балки ҳудудларда ҳам яратилди.

Ўтган даврда юртимизда 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилгани, хусусий секторга кенг имконият берилгани туфайли тиббий хизматлар ҳажми 3 карра ошди. Юқори малакали шифокорлар тайёрлашни йўлга қўйиб, уларга шароит яратганимиз ўз натижасини беряпти. Илгари хорижда амалга оширилган 100 дан зиёд мураккаб диагностика ва даволаш усуллари бугун юртимизда ҳам мукаммал бажарилмоқда.

Умуман, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 1991 йилдаги 66,4 ёшдан 2025 йилда 75,4 ёшга етгани, гўдаклар ва оналар ўлими кўрсаткичи 4 баробар камайгани соҳадаги ислоҳотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Қадрли дўстлар!

Жонажон Ватанимиз азалдан улуғ мутафаккирлар, азиз авлиёлар, буюк алломалар юрти бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросга муносиб равишда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуалари каби бетакрор илмий-маърифий даргоҳларни барпо этдик.

Бу муҳташам ва табаррук масканлар бугун нафақат юртимиз ва ислом олами, балки бутун жаҳон аҳлининг ҳақли эътирофига сазовор бўлмоқда. Биз бундай бунёдкорлик ишларини жадал давом эттирамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Бизнинг энг катта бойлигимиз — эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган Янги Ўзбекистон ёшлари. Интилувчан ва тиришқоқ ўғил-қизларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар очиш учун ҳар йили 20 — 25 триллион сўм ажратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ёш тадбиркорлар ташкил этяпти.

Токио ва Париж Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинларида, дунё майдонларида ёш спортчиларимиз эришган тарихий ютуқлар халқимизга чексиз ифтихор бағишлади.

Футболчиларимиз илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этиб, ўзбек спорти тарихида янги саҳифа очди. Улар бошлаган йўл албатта давомли ва зафарли бўлади, деб ишонамиз.

Яқин кунларда Самарқандда катта спорт анжумани — Жаҳон шахмат олимпиадаси бошланади. Ноябрь ойида эса машҳур гроссмейстеримиз Жавоҳир Синдоров жаҳон шахмат тожи учун курашга киришади.

Ушбу мусобақаларда шахматчи ўғил-қизларимга улкан зафарлар тилайман!

Халқаро фан олимпиадаларида, танлов ва фестивалларда юқори ўринларни эгаллаётган ёшларимизни — Янги Ўзбекистон юлдузлари, келажак бунёдкорлари деб биламан!

Олдинга қараб интилишдан ва доимий изланишдан ҳеч қачон тўхтаманг, азиз фарзандларим!

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун биз тарихнинг янада масъулиятли ва ҳал қилувчи палласида турибмиз. Мамлакатимиз тараққиётнинг мутлақо янги даврига қадам қўймоқда. Келгуси ўн йиллик — биз учун **миллий юксалиш даври** бўлади.

Буни фақат ва фақат халқимизнинг ақл-заковати, меҳнати ва бирдамлиги орқали ўзимиз бунёд этамиз. Шу мақсадда келгуси йилларда юртимизда инсон қадрини янада юксалтирадиган 7 та миллий дастурни амалга оширамиз.

Биринчи миллий дастур билим ва малакани келгуси тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантиришдан иборат бўлади.

Болаларнинг 6 ёшли тайёрлов гуруҳларига қамровини қисқа муддатда 100 фоизга олиб чиқамиз. Хусусий боғча ташкил қилиш бўйича мавжуд имтиёзлар сақлаб қолинади.

Барча мактаблар халқаро баҳолаш дастурлари билан тўлиқ қамраб олинади.

Юртимиздаги техникумларда халқаро таълим стандартларини жорий этамиз. Уларда ёшларимизни юқори даромадли касбларга ўқитишни йўлга қўйиб, қамровни 1 миллионга етказамиз. Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистонда касб эгалламаган бирорта йигит-қиз қолмайди.

Биз келгуси йилларда камида 10 та университетимизни ТОП мингталикка киритишни катта марра сифатида белгилаймиз.

Иккинчи миллий дастур халқимизнинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришини таъминлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда аҳоли саломатлиги билан боғлиқ давлат харажатларини келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5 фоизга етказамиз.

Биз тиббиётда профилактикани кучайтириш орқали саломатликни асраш моделига ўтамиз. Давлат тиббий суғуртаси мамлакатнинг барча хонадонларига кириб боради.

Ихтисослашган тиббиётда рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида дунёнинг энг нуфузли камида 5 та клиникасини олиб келамиз.

Юртимизни замонавий тиббиёт, фармацевтика, биотехнологиялар ва тиббий таълим тараққий этган масканга айлантирамиз.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Учинчи миллий дастур — иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш.

Бунинг учун келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қиламиз. Иқтисодиётда юқори ўсиш суръатини сақлаган ҳолда 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажми 300 миллиард долларга етказилади, саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Ёшларимизнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда стартап, венчур ва сунъий интеллектни ривожлантириш устувор йўналишга айланади.

Шунингдек, кичик бизнес — ўрта бизнесга, ўрта корхоналар эса йирик компания ва корпорацияларга айланиши учун яхлит экотизимни йўлга қўямиз. Буларнинг ҳисобига келгуси ўн йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 10 минг долларлик маррадан ошади.

Азиз дўстлар!

Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ва экология масалалари янада долзарб бўлиб бормоқда.

Шу боис **тўртинчи миллий дастур сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга қаратилади.**

Келгуси беш йилда экин майдонларида сув тежайдиган технологиялар қамровини 100 фоизга олиб чиқамиз. Бу — умуммиллий маррага айланади.

Табиатга муносабат — халқнинг маданияти, давлатнинг масъулияти ва тараққиётнинг сифат кўрсаткичи. Шунинг учун мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатини янги сифат босқичига олиб чиқамиз. Мактаб, боғча, шифохона ва кўп қаватли уйлар атрофидаги яшил ҳудудлар жамиятнинг дахлсиз бойлиги сифатида муҳофаза қилинади. Яқин йилларда туман ва шаҳар марказларида яшиллик кўламини 30 фоизга етказамиз.

Қадрли юртдошлар!

Адолат қарор топган жойда иқтисодий ўсиш ҳам, ижтимоий ишонч ҳам юксалади.

Бу борада **бешинчи миллий дастур — суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашни умумий қадриятга айлантиришдан иборат.**

Бунинг учун ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаб аниқ тизим асосида йўлга қўямиз. Фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний кафолатларини кучайтириш бўйича ислоҳотларимизни қатъий давом эттирамиз. Кибержиноятчилик, гиёҳвандлик ва одам савдосининг олдини олиш бўйича чораларни янада кучайтирамиз.

“Яширин иқтисодиёт”, уюшган жиноятчилик, аёллар ва болалар ҳуқуқини камситишга қарши курашни янги босқичга кўтарамиз.

Азиз ватандошлар!

Одамларимизнинг кайфияти, оилаларнинг фаровонлиги, ёшларнинг орзу-истаги, тадбиркорларнинг ташаббускорлиги, энг аввало, маҳаллада намоён бўлади.

Шунинг учун **олтинчи миллий дастур маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантиришга йўналтирилади.**

Энди давлат дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ёндашув бутқул ўзгаради. Туман бюджети, инвестиция дастури ҳамда инфратузилма лойиҳалари маҳалла буюртмаси асосида ишлаб чиқилади. Бунда фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжи, маҳалланинг фаровонлиги — энг асосий мезон сифатида белгиланади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Еттинчи миллий дастур — Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг ўлка сифатидаги нуфузини ҳар томонлама юксалтиришдан иборат.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, 16 та диний конфессия аъзолари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда.

Бугунги нотинч замонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик халқимизнинг олтин фонди, бебаҳо бойлигидир.

Бизнинг очиқ, прагматик ва тинчликпарвар сиёсатимиз узоқ муддатли тараққиётимизни таъминлашга қаратилган.

Марказий Осиёда аҳил қўшничилик, стратегик шериклик ва дўстлик алоқаларини кенгайтиришда тарихий ютуқларга эришилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Америка, Осиё — Тинч океани минтақаси ва араб-мусулмон дунёси давлатлари билан муносабатларимиз янада мустаҳкамланди. Шарқий Европа, Африка ва Лотин Америкасида янги ҳамкорлик йўналишлари очилди.

Мамлакатимиз билан дипломатик муносабат ўрнатган давлатлар сони қарийб 170 тага етди.

Ўзбекистонни халқаро дипломатиянинг муҳим марказига айлантириш учун кўп қиррали, вазмин ва мувозанатли ташқи сиёсатни давом эттирамиз. Иқтисодий дипломатия ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Мамлакатимиз 2027 — 2029 йилларда Қўшилмаслик ҳаракатига илк маротаба раислик қилади. Дунёдаги 120 дан ортиқ давлатни бирлаштирган ушбу глобал тузилма самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни фаол илгари сурамиз.

Ён қўшнимиз бўлган Афғонистон бўйича конструктив сиёсатимизни қатъий давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакилларига, хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларига, АҚШ, Туркия ва Сингапурдан келган юқори мартабали меҳмонларимизга самарали ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бир фикрни ишонч билан айтмоқчиман.

Биз бугун кечагидан кучлимиз. Насиб этса, эртага бундан ҳам кучли бўламиз.

Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўлимиз бизга бир ҳақиқатни ўргатди: халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ.

Бундай буюк қудратга эга халқ ва давлатни енга оладиган кучнинг ўзи йўқ.

Биз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажагимизни биргаликда барпо этамиз!

Ишончим комил, матонатли, мард ва олийжаноб халқимиз ўз олдига қўйган улуғ мақсадларга албатта етади.

Ватанимизнинг олтин даврини, янги буюк тарихини албатта барчамиз биргаликда яратамиз!

Бизга мустақиллик неъматини берган Парвардигоримизга чексиз шукроналар бўлсин!

Истиқлолимиз ижодкори ва ҳақиқий бунёдкори бўлган халқимизга шон-шарафлар бўлсин!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги улуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги билан яна бир бор табриклайман.

Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод ва фаровон бўлсин!

Яшасин Ўзбекистон Республикаси!

Яшасин Ўзбекистон халқи!

ҚАҲРАМОН АЖДОДЛАР ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кейинги йилларда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва тарихий адолатни тиклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳидлар хотираси хиёбонидаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи тўлиқ реконструкция қилиниб, экспозицияси бойитилди, замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Рақамли тизимлар ва сунъий интеллект ёрдамида кўргазмаларнинг таъсирчанлиги оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ташкил этилган қатағон қурбонлари музейлари ҳам замон талаблари асосида жиҳозланди. Уларнинг фондлари дунёнинг турли нуқталаридан келтирилган ноёб ҳужжатлар ва фотосуратлар билан бойитилмоқда.

2021 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қатағон қурбони бўлган 1 минг 200 дан зиёд юртдошларимиз оқланди. Жорий йилда собиқ мустабид тузум даврида ноҳақ айбланиб, турли муддатларга қамалган ёки ўлимга ҳукм этилган яна 161 нафар ватандошимизнинг номи оқланди.

Сўнгги беш йилда жадид боболаримиз меросини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуманлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мустабид тузумда ноҳақ қурбон бўлган ватандошларимизнинг номлари аниқланиб, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий мероси ўрганилмоқда. Юзлаб, минглаб фидойи юртдошларимиз ҳақидаги маълумотлар китоблар, матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга етказилмоқда.

Мулоқотда ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб ватандошларимиз “пахта иши”, “ўзбек иши” деган сохта айбловлар билан сиёсий қатағонга учрагани қайд этилди. 1983 — 1990 йилларда 40 минг нафар ўзбекистонлик тергов қилиниб, 5 минг нафари жиноий жавобгарликка тортилган. Бугун бу борада ҳам тарихий адолат тикланмоқда. Бундай эзгу ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари дунёда қуролли можаролар ва сиёсий қарама-қаршиликлар кучайиб, улар бизга яқин минтақаларга ҳам кириб келаётгани ташвишли эканини таъкидлади. Бу юртимиздаги тинчликни қадрлаш, янада жипс ва ҳамжиҳат бўлиб яшашни талаб этади.

— Бизнинг йўлимиз — тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон ушбу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмайди, — деди Президент.

Бугун юртдошларимиз дунёнинг исталган мамлакатига эмин-эркин бориб келмоқда, Ўзбекистон барча давлатлар билан тенглик асосида ҳамкорлик қилмоқда. Бу мустамлакачилик занжирлари ва “пахта қуллиги”дан бутунлай озод бўлганимизнинг амалий ифодасидир.

Ҳаёт ва келажакни билим ҳамда маърифат асосида қуриш, узоқ-яқин мамлакатлар билан дўстона ҳамкорлик қилиш Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти экани таъкидланди. Буюк жадид боболаримиз бежиз миллатни уйғоқликка, билим ва маърифатга чақирмаган. Уларнинг қураш ва маърифат мактаби бугун ҳам ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Шу боис ёшларнинг сифатли таълим олиши, ватанпарвар инсонлар бўлиб воя га етишига катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги ўн йилда олийгоҳлар сони 77 тадан 205 тага етказилди, қабул квоталари мунтазам ошириб борилди. Жаҳондаги “ТОП — 100” таликка кирадиган олийгоҳларда 3 минг 500 дан зиёд фарзандларимиз таълим олмоқда. Мактаб ва мактабгача таълим тизимларида ҳам муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

— Ёшларни миллий ғурур асосида тарбиялашга алоҳида аҳамият беришимиз керак. Миллий ғурур — инсоннинг қалбини, юрагини, бутун вужудини куч-ғайратга тўлдирадиган қудратли куч. Миллий ғурури бор одам ҳеч қачон енгилмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази барпо этилди, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси бутунлай қайтадан бунёд қилинди, Марғилонда Бурҳониддин Марғиноний номидаги марказ ишга туширилди. Булар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли — тинчлик, дўстлик ва бунёдкорлик, билим ҳамда маърифат йўли эканини тасдиқлайди.

Сўнгги ўн йилда диний-маърифий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар туфайли 100 мингдан зиёд юртдошларимиз ҳожилик мақомига эга бўлди. Давлатимиз раҳбари диний жамоатчилик жамиятда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларга тўғри тарбия бериш жараёнларида янада фаол иштирок этишига ишонч билдирди.

— Бугун мана шу табаррук масканда туриб, тинч-осойишта ҳаётимиз, эришаётган ютуқларимиз учун Яратганга беҳисоб шукроналар айтамиз. Мана шундай озод ва фаровон кунларни орзу қилиб, армон билан ўтган қаҳрамон ота-боболаримиз, жасур момоларимизнинг руҳлари шод бўлсин! Юртимиз тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик диёри сифатида янада гуллаб-яшнасин! Аллоҳ таолонинг ўзи Ватанимизни паноҳида асрасин! — деди Президент.

Уламолар қатағон қурбонлари ва Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган аждодларимиз руҳига дуо қилиб, юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, файзу барака барқарор бўлишини тиладилар.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ушбу маҳобатли мажмуада халқимизнинг кўп асрлик тарихи, буюк алломаларимиз ва жаҳонгир аждодларимизнинг сиймолари, юртимиз тараққиётидаги муҳим воқеалар ўз ифодасини топган. Монумент чўққисидаги Ҳумо қуши озодлик ва эзгулик ғояларини, халқимизнинг олийжаноб орзу-интилишларини ифода этади.

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан ташкил этилган маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

ЎзА.

Мустақиллик байрами кунлари Тошкент — Самарқанд — Тошкент, Тошкент — Бухоро — Тошкент ва Тошкент — Урганч — Тошкент йўналишларида юқори тезликдаги электропоездларнинг қўшимча қатновлари ташкил этилади.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Истиқлол — ана шу тонгнинг номи эди. Унинг ҳар бир йили озод Ватанимиз солномасида алоҳида бир ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланди.

Айниқса, кейинги ўн йил миллий тарихимизга мисли кўрилмаган ислоҳотлар даври бўлиб кирди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, юксалиш сари дадил интилиши қандай буюк ишларга қодир эканини бутун дунёга намоён қиляпмиз. Янги шаҳарлар, замонавий корхоналар, мактаб ва олий таълим масканлари, обод маҳаллалар, равон йўллар, кўркам хиёбонлар — буларнинг барчасида мустақилликнинг бунёдкор руҳи акс этмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида халқимиз ўзини янада теранроқ англади. Эркинликнинг қадрини, Ватаннинг буюк неъматлигини, ўз тақдирини ўзи белгилаш қандай улуғ бахт эканини чуқур ҳис қилди.

Шунинг учун ҳам Мустақиллик байрами халқнинг ўзлигини, иродасини, орзу-армонларини намоён этадиган, кеча билан бугунни, хотира билан истиқболни боғлайдиган буюк маънавий кўприкдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бу йилги энг улуғ айёмимиз “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратайлик!” деган эзгу шиор остида кенг нишонланмоқда.

Бу шиорда бугунги Ўзбекистоннинг қалб уриши бор. Унда бирлик ҳам, Ватанга садоқат ҳам, бунёдкорлик ҳам, келажакка ишонч ҳам мужассам. Зеро, янги ҳаётни, буюк келажакни, аввало, бир тану бир жон бўлган халқ яратади.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида — маҳаллаю гузарларда, боғу хиёбонларда, кўчалар ва хонадонларда байрам шукуҳи кезмоқда. Гуллар, давлат байроқлари ва миллий безаклар, одамлар кўзидаги қувонч, қалбидаги фахр ва эртанги кунга ишонч юрт узра шодиёнанинг шукуҳини акс эттирмоқда.

2026 йил 28 август. Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган асосий тантаналар Янги Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Бу ерга мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида фаолият юритаётган, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшаётган инсонлар — Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, нуроний-лар, ёшлар жам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам тантанасида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари бутун халқимизни мустақиллигимизнинг 35 йиллиги билан самимий муборакбод этди.

Юртбошимиз Мустақиллик тантаналари Янги Тошкентда ўтказилаётгани байрам шукуҳини янада ошираётганини таъкидлади. Бугун пойтахтимиз ёнида қад ростлаётган Янги Тошкент тимсолида Янги Ўзбекистоннинг эртанги қиёфаси, улкан тараққиёт салоҳияти ва бунёдкорлик руҳи намоён бўлмоқда. У пойтахтимизнинг кўркига кўрк қўшиб, мамлакатимизнинг куч-қудратини намоён этадиган чинакам тараққиёт марказига айланишига ишонч билдирилди.

Маросимда бугунги эркин ҳаёт учун жонини фидо қилган улуғ аждодларимиз ва жадидлар хотирланиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган юртдошларимизнинг меҳнати ва жасорати эътироф этилди.

Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовнинг ёрқин хотираси эҳтиром билан ёдга олинди.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг буюк аҳамияти, аввало, инсон қадри ва эркин ҳаётида намоён бўлишини таъкидлади. Бу — истиқлолнинг энг муҳим мезони. Зеро, давлат мустақиллиги инсон ўз ҳаётини эркин қуриши, қобилиятини намоён этиши, орзу ва мақсадларини амалга ошириши учун имконият яратгандагина том маънодаги қадр-қиммат касб этади.

Шу нуқтаи назардан, ислоҳотларнинг дастлабки кунларидан халқнинг қалбига қулоқ солиш, дардига дармон бўлиш устувор мақсад этиб белгиланди ва “Инсон қадри учун!” ғояси давлат сиёсатининг марказига олиб чиқилди.

Биринчи галда “пахта қуллиги”, “мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати”, “конвертация чеклови”, “прописка” каби одамларни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларга барҳам берилди.

Бу ўзгаришларнинг ҳар бири, аслида, инсон қаддини тиклаш, унинг меҳнатига, ҳуқуқига, орзу-умидларига ҳурматни қарор топтириш йўлидаги залворли қадамлар эди. Энг муҳими, фуқаролар юрагидаги қўрқув ва ҳадик ўрнини ишонч ва хотиржамлик эгаллади. Инсоннинг ўз сўзига, меҳнатига, келажагига ишонч билан қараши жамиятдаги улкан маънавий ўзгаришларнинг энг муҳим белгисига айланди.

Катта сиёсий ирода билан Ўзбекистон дунёга кенг очилди, чегара муаммолари ҳал қилиниб, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланди. Бир пайтлар ажратиб турган чегаралар ўрнини яқинлашув, ишонч ва яхши қўшничилик руҳи эгаллади.

Иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар ҳам ана шу эркинлик ва очиқлик тамойилининг амалий ифодаси бўлди. Валюта, солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатидаги туб ўзгаришлар натижасида мамлакатимизнинг Иқтисодий эркинлик индексидаги ўрни 80 поғона яхшиланди.

Рақамлар эса ўзгаришлар кўламини яққол кўрсатиб турибди. Илгари иқтисодиётимизга йилига 2-3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, ҳозир мазкур кўрсаткич 40 — 50 миллиард долларни ташкил этмоқда. Аммо бу рақамларнинг қиймати фақат миллиардлар билан ўлчанмайди. Инвестициялар билан бирга юртимизга илғор технологиялар, замонавий билим ва янги иқтисодий имкониятлар ҳам кириб келмоқда. Бу янги иш ўринлари, янги касблар, янги бизнес лимлар ва инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун янги имкониятлар демакдир.

Уч йил олдин 2030 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш режа қилинган эди. Глобал логистикадаги узилишлар ва дунёдаги нотинч вазиятга қарамасдан, ушбу марра жорий йилнинг ўзида ортиғи билан бажарилиши ва Ўзбекистон даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши қайд этилди.

Янги даврда 650 мингдан зиёд оилалар замонавий уй-жойга эга бўлди, минглаб маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб бормоқда. Обод хонадон, фаровон маҳалла, замонавий инфратузилма, муносиб турмуш шароити — буларнинг барчаси инсон қадрига муносабатнинг амалий ифодаси.

Камбағаллик масаласи очиқ тан олиниб, эҳтиёжманд оилаларнинг даромади, касби, саломатлиги, фарзандларининг таълими ва яшаш шароитини яхшилаш бўйича маҳаллабай ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Изчил саъй-ҳаракатлар туфайли камбағаллик даражаси 2017 йилдаги 35 фоиздан 4 фоизга туширилди. Бу рақамнинг ортида рўзғорига барака кириб, меҳнат қилиш, касб эгаллаш, гайганини кўрсатади. Энг муҳими, ота-оналар учун фарзандини олий маълумотли қилиш фақат орзу эмас, эришса бўладиган мақсадга айланди.

Таълим билан бир қаторда илм-фан, замонавий технология ва инновациялар тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омили сифатида белгиланди. IT, сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт ривожига янги руҳ берилиб, 10 миллион ёшни рақамли индустрия ва келажак касбларига олиб кириш мақсад қилинди.

Президентимиз Ўзбекистон технология соҳаларида жаҳонга илғор ташаббусларни таклиф этадиган марказга айланиши, ўзбек тили эса рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ажратилаётган маблағ сўнгги йилларда 8 каррадан зиёд оширилди. Сифатли тиббий хизмат олиш имконияти марказда ҳам, ҳудудларда ҳам кенгайиб, 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилди ва хусусий секторга кенг имконият берилди. Натижада тиббий хизматлар ҳажми 3 карра ошди, илгари хорижда бажарилган 100 дан зиёд мураккаб диагностика ва даволаш усуллари юртимизда йўлга қўйилди.



фарзандларини ўқитиш, муносиб ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлган миллионлаб инсонлар тақдири мужассам.

Президентимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун билимли, келажак касбларини пухта эгаллаган ва мустақил фикрлайдиган янги авлод мутахассислари зарурлигини таъкидлади. Шу боис таълимга сифат ва мазмун олиб кирилиб, муаллимнинг обрў-эътибори тикланмоқда, даромади ошириб борилмоқда.

Ўтган ўн йилда аҳоли 8 миллионга кўпайган шароитда ҳам мактабгача таълим қамрови 78 фоизга етказилди, мактабларда 1,5 миллион қўшимча ўқувчи ўрни яратилди.

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар, шунингдек, хорижий тиллар ва касб-ҳунар ўрганиш учун яратилган шароитлар таълим тизимига янги мазмун олиб кирди.

Олийгоҳлардаги талабалар сони 1 миллион 600 минг нафарга етди. Бу рақамнинг ўзиёқ мамлакатимизда билим олишга имкониятлар қанчалик кенгайганини кўрсатади.

Натижада аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 1991 йилдаги 66,4 ёшдан 2025 йилда 75,4 ёшга етди, гўдаклар ва оналар ўлими 4 баробар камайди.

Халқимизнинг бебаҳо маънавий меросига муносиб равишда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуалари каби бетакрор илмий-маърифий даргоҳлар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон ёшларини мамлакатимизнинг энг катта бойлиги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи деб атади. Бугун бу ишончни ёшларимиз ўз ютуқлари билан оқламоқда. Ўғил-қизларимиз олдинга интилиш ва доимий изланишдан ҳеч қачон тўхтамасликка даъват этилди.

Президентимиз мамлакатимиз тараққиётининг мутлақо янги даврига қадам қўяётганини таъкидлади.

— Келгуси ўн йиллик биз учун миллий юксалиш даври бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу юксалишнинг асосий таянчи эса халқимизнинг ақл-заковати, меҳнати ҳамда бирдамлигидир. Шу мақсадда келгуси йилларда инсон қадрини янада юксалтирадиган еттита миллий дастур амалга оширилади. Улар таълим ва тиббиётдан тортиб, юқори технологияли иқтисодиёт, экология, адолат, маҳалла ва ташқи сиёсатгача бўлган устувор йўналишларни ягона мақсад атрофида бирлаштиради.

Биринчи миллий дастур билим ва малакани тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантиришга қаратилган. Иккинчи миллий дастур халқимизнинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришини таъминлашга хизмат қилади. Учинчи миллий дастур иқтисодиётни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказишни кўзда тутади. Тўртинчи миллий дастур сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга йўналтирилади. Бешинчи миллий дастур суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантиришга қаратилади. Олтинчи миллий дастур маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантиради. Еттинчи миллий дастур Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг ўлка сифатидаги нуфузини ҳар томонлама юксалтиришга ҳисса қўшади.

Демак, келгуси ўн йилликка мўлжалланган ушбу етти дастурнинг ҳар бири инсон ва жамият ҳаётини тўла қамраб олади. Билимли инсон, соғлом авлод, юқори технологияли иқтисодиёт, барқарор табиат, адолатли жамият, кучли маҳалла ва тинч ташқи муҳит миллий юксалишнинг ўзаро боғлиқ устунларига айланади.

Мамлакатимиз етакчиси нутқининг якунида халқимизга ишонч билан мурожаат қилди:

— Биз бугун кечагидан кучлимиз. Насиб этса, эртага бундан ҳам кучли бўламиз. Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўлимиз бизга бир ҳақиқатни ўргатди: халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марраning ўзи йўқ. Бундай буюк қудратга эга халқ ва давлатни енга оладиган кучнинг ўзи йўқ. Биз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажагимизни биргаликда барпо этамиз! — деди давлатимиз раҳбари.

Саҳнада Ўзбекистоннинг ранг-баранг маданий мероси, миллий санъати ва бугунги замонавий қиёфасини намоён этувчи бадиий дастур ҳавола қилинди. Истиқлол, Ватан, гўзал табиатимиз, порлоқ келажагимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Осмонда лазер ва дронлар шоуси, турфа ранг мушакбозлик йиғилганларга завқ-шавқ улашди. Янги Тошкент осмони ёруғ рангларга бурканди.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги тантаналари мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида давом этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЎЗАРО МАНФААТЛАРГА ТАЯНГАН ИШОНЧ КЎПРИГИ

1

Ҳиндистон охирги йилларда дунёнинг энг тез ривожланаётган йирик иқтисодиёти мақомини барқарор ушлаб турибди. Номинал ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 3,7-4,0 трлн. АҚШ доллари билан дунёда АҚШ, Хитой, Германия ва Япониядан сўнг 5-ўринда туради. Харид қобилияти паритети бўйича ЯИМ тахминан 14 трлн. доллардан ортиқ кўрсаткичи билан фақат Хитой ва АҚШдан кейинги ўринда. Иқтисодий ўсиш суръати йилига 6,5-7,5 фоиз атрофида бўлиб, бу кўрсаткич глобал ўсиш суръатидан икки баробар юқоридир.

Ҳиндистон ўз ривожланишида 4 та асосий устунга таянади. Биринчиси, демографик дивиденд — ёш ва арзон ишчи кучи. Мамлакат аҳолисининг ўртача ёши 28 ни ташкил этади. Хитой ва Европада бу кўрсаткич 40 дан ошган. Меҳнатга лаёқатли юз миллионлаб ёшлар саноат ва хизматлар соҳасида улкан ресурс ҳисобланади. Иккинчиси, Ҳиндистон “жаҳоннинг IT-аутсорсинг маркази”га айланган. IT ва дастурий таъминот бўйича глобал монополистлардан биридир. Учинчиси, у “жаҳон дорихонаси” мақомига эга. Ҳиндистон дунёдаги арзон мукобил дори-дармонларнинг 20 фоизини ва вакциналарнинг 60 фоизини ишлаб чиқаради. Бу глобал фармацевтика занжирининг энг муҳим бўғини, демак. Тўртинчиси, Ҳиндистон космос ва юқори технологиялар бобида илғор давлат. Мамлакат космик саноатни ўта арзон ва юқори аниқликда ривожлантириш моделини кўрсатди. 2023 йилда Ҳиндистоннинг “Чандраян-3” аппарати Ойнинг Жанубий қутбига муваффақиятли қўнган дунёдаги биринчи мамлакат бўлди. Бу уларнинг юқори технологик салоҳиятини исботлайди.

Мамлакат эга бўлган улкан ички бозор, ёш ва билимли кадрлар, кучли IT ва фармацевтика саноати, мустаҳкам молиявий резервлар Ҳиндистонга глобал кун тартибини белгилаш имконини бермоқда.

Муштарак мақсадлар йўлидаги шериклик

Янги Ўзбекистон учун энг яқин ва ишончли стратегик ҳамкорлардан бири сифатида Ҳиндистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш устувор аҳамият касб этади. Тошкент ва Деҳли, Самарқанд ва Агра, Бухоро ва Ҳайдаробод каби қадимий ва муҳташам шаҳарларимизни боғлаб турувчи умумий тарихий-маданий илдизлар, Буюк Ипак йўли замонидан бери шаклланган маънавий яқинлик бугунги сиёсий, иқтисодий ва технологик иттифоқчилигимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг марказий йўналишларидан бири бўлган “Марказий Осиё билан боғланиш” (“Connect Central Asia”) стратегиясида Ўзбекистон ўта муҳим ва мустаҳкам таянч бўғин сифатида эътироф этилмоқда.



Дунёнинг энг тез ривожланаётган иқтисодиётларидан бири бўлган Ҳиндистон ва Марказий Осиёнинг саноат ҳамда демографик хаби ҳисобланган Ўзбекистон ўртасидаги шериклик сўнгги йилларда сифат жиҳатдан бутунлай янги, амалий босқичга чиқди. Икки мамлакат муносабатларининг жадал ривожланиши ортида давлат раҳбарлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди ўртасидаги мунтазам ва юқори даражадаги ишончли мулоқот туради. Етакчилар 2018 йилдан бери деярли ҳар йили учрашиб келмоқда (2018 ва 2019 йиллардаги давлат ташрифлари, 2020 йилги онлайн саммит, 2022 йилда Самарқандда, 2023 йилда БААда, 2024 йилда Қозонда, 2025 йилда Тяньцзинда ўтказилган мулоқотлар). 2025 йилнинг август ойидаги телефон мулоқоти ҳамда сентябрь ойида ХХРда ўтган ШҲТ саммити доирасидаги учрашув икки томонлама кун тартибини янада бойитди. Бу мулоқотлар стратегик шерикликка юқори даражада сиёсий туртки бермоқда.

Икки мамлакат раҳбарлари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 млрд. долларга етказишни мақсад қилишган. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда ҳинд капитали иштирокидаги корхоналар сони 375 тага етди. 2025 йилда Ҳиндистоннинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестициялари 135 фоизга ўсиб, 332 млн. долларни ташкил этди. Умумий тўпланган сармоя миқдори 717 млн. доллардан ошди ва яқин истиқболда 1 млрд. долларлик маррадан ўтиши кутилмоқда. Сўнгги беш йилда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2 бараварга кўпайди. Андижон вилояти ва Гужарат штати ўртасидаги саноат ва хусусий сектор кооперацияси бунинг ёрқин мисоли.

Ҳиндистон томонидан ажратилган 448 млн. долларлик имтиёзли кредит линияси Қорақалпоғистон ва Хоразмда ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда йўл-қурилиш техникаларини сотиб олиш каби ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларига йўналтирилган. 2025 йилда 200 дан ортиқ ҳинд тадбиркорлари Ўзбекистондаги кўргазмаларда (“UzFood”, “CAITME”, ТМИФ ва бошқалар) иштирок этди, юздан ортиқ ўзбек делегатлари эса Ҳиндистондаги форумларда бўлди. Нью-Делида ўтказилган Ҳиндистон — Марказий Осиё бизнес форумида ўзбекистонлик тадбиркор аёллар 13 млн. долларлик шартномалар имзолашди. Шунга қўшимча равишда, “UzVC” ва “Startup India” ўртасида қўшма “Йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда. Ҳиндистоннинг дунёга машҳур “UPI” (Unified Payments Interface) лаҳзалик тўлов тизимини Ўзбекистоннинг “Humo” ва “Uzcard” тизимлари билан интеграция қилиш бўйича музокаралар якуний босқичда. Тизим сайёҳлар ва бизнес вакиллари учун тўловларни бир лаҳзада амалга ошириш имконини беради.

Аммо иқтисодий муносабатларимиз тўлиқ салоҳият билан ишлаши учун тўғридан-тўғри ер усти транспорт йўлларининг йўқлиги асосий тўсиқ бўлиб келмоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун Тошкент ва Деҳли геосиёсий ва логистик бурилишни амалга оширмоқда. Эрондаги Чобаҳор портини биргаликда ривожлантириш ва ундан фойдаланиш Марказий Осиё ҳамда Ҳиндистонни энг қисқа ва арзон денгиз-қуруқлик йўли орқали боғлайди. Ҳиндистон, Ўзбекистон ва Эрон уч томонлама ишчи гуруҳи бу борада фаол ишламоқда. Мазкур порт орқали юк ташиш вақтни 30 — 40 фоизга, харажатларни эса 20 физга қисқартиради. Ўзбекистон Чобаҳор портини Халқаро “Шимол — Жануб” транспорт коридорига интеграция қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди ва унга қўшилиш истагини билдирган.

Инсон капитали — тараққиёт гарови

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим устувор йўналиши — инсон капиталини ривожлантиришдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистоннинг 4 та нуфузли олийгоҳи фаолият юритмоқда. “Amity University” (Тошкент) — IT ва менежмент; “Sharda University” (Андижон) — инженерия, технология ва бизнес; “Sambhram University” (Жиззах) — IT ва олий таълим; “Acharya University” (Бухоро) — инновация ва рақамли фанлар. Ҳиндистоннинг техник ва иқтисодий ҳамкорлик дастури (ITEC) доирасида сўнгги 5 йилда 1 144 нафар ўзбекистонлик мутахассис Ҳиндистонда СИ, IT, қайта тикланувчи энергетика ва фармацевтика бўйича малака оширди. 2025 йилда Ўзбекистонда таҳсил олаётган ҳиндистонлик тиббиёт талабалари сони 16 минг нафардан ошди.

Ҳиндистоннинг илғор тиббий тажрибаси ва технологиялари мамлакатимизда қатор замонавий кўп тармоқли клиникалар ташкил этилишига замин яратди. Келажакдаги мақсад — бу клиникалар тармоғини Ҳиндистоннинг етакчи тиббиёт университетлари филиаллари билан кенгайтириш, фармацевтика соҳасида қўшма лойиҳаларни илгари суришдир. Хусусан, Тошкентдаги Аллергология марказида янги референс-лаборатория очилди. Ҳинд шифокорлари Тошкентдаги Миллий тиббиёт марказида онкология, трансплантология ва хирургия бўйича юзлаб бепул кўрик ва операциялар ўтказди. Табобат ва Аюрведа соҳасида Ҳиндистоннинг “AYUSH” вазирлиги ва Ўзбекистон Фармацевтика агентлиги ўртасида мулоқот йўлга қўйилди.

Тошкент, Наманган шаҳарларидан Деҳли, Мумбай, Гоа ва Ҳайдарободга ҳафтасига 17 та тўғридан-тўғри авиапарвоз амалга оширилмоқда. 2025 йил июль ойида консуллик мулоқоти ўтказилиб, виза ва хавфсизлик масалалари содталаштирилди. Ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистонга 100 мингга яқин ҳиндистонлик сайёҳлар ташриф буюрди.

Рақамлаштириш бўйича жаҳон пешқадами бўлган Ҳиндистон Ўзбекистоннинг IT-секторига катта туртки бермоқда. Жаваҳарлал Неру номидаги Ўзбек-Ҳинд IT-маркази имкониятлари орқали блокчейн, финтех, киберхавфсизлик ва дастурий маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш бўйича қўшма стратегия ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Саноатлашув даврида энергетик самарадорлик ва “яшил” трансформация муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимиз Ҳиндистон Бош вазири ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро қуёш альянсига қўшилиш орқали фотовольтаика ва шамол энергетикасида ушбу мамлакат тажрибаси ва қайта тикланувчи энергия технологияларини миллий иқтисодиётга татбиқ қилмоқда.

Икки халқ ўртасидаги муносабатларнинг яна бир стратегик устуни — бу маънавий-маданий алоқалар. Қўлёзма фондларини рақамлаштириш, қўшма виртуал кутубхоналар яратиш ва умумий тарихий-археологик меросни тадқиқ этиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон бир-бирини тўлдира оладиган давлатлар ҳисобланади. Ҳиндистон учун Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг энг кўп аҳолига ва йирик саноат хабига эга бўлган, минтақа ичкарисига ва Евроосиё қуруқлик йўлларига чиқадиган стратегик дарвозадир. Ўзбекистон учун Ҳиндистон — 1,5 миллиардлик бозор, глобал IT-аутсорсинг манбаи, арзон ва сифатли фармацевтика ҳамда инсон капитали ва “яшил” энергетикани ривожлантиришда энг ишончли ҳамкор. Асрлар давомида бир-бирини бойитиб келган ўзбек ва ҳинд цивилизациялари бугун XXI асрнинг глобал чақирикларига биргаликда жавоб бериб, дўстлик ва стратегик шерикликнинг мутлақо янги, сермаҳсул саҳифасини очмоқда.

Машъал САИДОВ,
Шаҳрисабз давлат педагогика институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

29 август — 1 сентябрь кунлари мамлакатимиздаги туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсидаги барча шифохоналар, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, тиббиёт олий ўқув юртлари клиникалари ходимлари навбатчилик асосида аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 29 август

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига

КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ

Истиқлолнинг ҳар бир йили биз учун нафақат қувонч ва ифтихор, балки босиб ўтган йўлимизга назар ташлаш, эришилган натижаларни холис баҳолаш ва келгуси тараққиётимиз ҳақида фикр юритиш учун муҳим фурсатдир.



Мен ортда қолган йилларда амалга оширилган ўзгаришларни санаб ўтириш фикридан йироқман. Чунки шу йиллар давомида халқимиз ҳаётида рўй берган ижобий ҳодисалар, ўзгаришларга бой ислоҳотлар шунчалик кўпки, ҳаммасини санаб адоғига етиш мушкул. Мен ўз касб-коримдан келиб чиқиб, шу соҳадаги ислоҳотлар ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Ўтган асрнинг охирларига қадар Ўзбекистон деганда фақат пахтачилик билан шуғулланадиган, шу маҳсулот билан танилган ҳудуд кўз олдимизда гавдаланарди. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон аграр мамлакат сифатида эътироф этилар, ўзбек деганда пахта, пахта деганда ўзбек тушунилар эди. Унинг бошқа имкониятлари, бойликлари ҳақида нимагадир кўп гапирилмас, ер ости бойликлари, нефть ва газ, бошқа табиий қазилмалари кўпам кўзкўз қилинмасди. Мустақиллик мамлакатимизнинг саноат имкониятларини юзага чиқарди. Хусусан, мамлакатимизнинг нефть-газ, олтин ва бошқа табиий захиралари ишга солиниб, у халқ манфаати учун ишлай бошлади.

Бу йилларда Ўзбекистоннинг нефть ва газ саноатида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Асосий мақсад — мамлакатнинг энергетик мустақиллигини таъминлаш, нефть ва газни чуқур қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш эди.

Шу жиҳатдан, соҳада истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб жиддий ислоҳотлар амалга оширила бошланди.

1992 йилда “Ўзбекнефтьгаз” тизими шакллантирилди. Бу билан нефть-газ соҳасини мустақил давлат сиёсати асосида бошқариш ва ривожлантиришга асос солинди. Нефть қазиб чиқариш кўпайтирилди. Айниқса, Қашқадарёдаги “Кўкдумалоқ” каби конларни ўзлаштириш ва уларда замонавий ускуналарни жорий этишга катта эътибор берилди.

Орадан кўп ўтмай 1996 йилда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Бу Ўзбекистонда нефть хомашёсини замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш ва юқори сифатли ёнилғи маҳсулотлари олиш имкониятини кенгайтирди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳам реконструкция қилинди.

Шу жараёнлар билан бақамти газни қайта ишлаш саноати ҳам ривожланди. 1999 йилда Хўжаобод ер ости газ сақлаш омбори, 2001 йилда эса Шўртан газ-кимё мажмуаси ишга туширилди.

Аста-секин газ-кимё саноатига ўтиш кучайди. Чунки газни шунчаки хомашё ёки яримтайёр маҳсулот сифатида сотишдан кўра ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг истиқболлари ва иқтисодий фойдаси катта эди. Газдан полиэтилен, полипропилен ва бошқа кимёвий маҳсулотлар олиш йўлга қўйилди. Натижада 2023 йилда тармоқда 409 минг тонна полиэтилен ва 82,2 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилган.

Устюрт минтақасида янги конлар ўзлаштирилди. Жумладан, 2021 йилда Ғарбий Қуйи Сургил ва Қуйи Шарқий Бердақ конлари ишга туширилди. Кейинги йилларда қидирув-бурғилаш ишлари яна кенгайтирилди.

Газ саноати ривожланган сари янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам талаб ортди. Янги технология — GTL ишлаб чиқариши йўлга қўйилди. “Uzbekistan GTL” лойиҳаси доирасида табиий газдан синтетик суюқ ёнилғи олиш технологияси жорий қилинди. 2022 йилда дастлабки синтетик нафта ва дизель ёнилғиси ишлаб чиқарилди.

Энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, энергия ресурслари, жумладан, табиий газга бўлган ички талабни барқарор қондириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз таъминлаш бўйича ишлар изчил амалга оширилди. Шу билан бирга, иқтисодиёт ва аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётгани янги захираларни аниқлаш, мавжуд конлар самарадорлигини ошириш ва янгиларини ишга туширишни тақозо этди ҳамда бугунги кунда бу йўналишда ҳам ишлар олиб бориляпти.

Сўнгги йилларда эътибор фақат янги конларни очишга эмас, балки мавжуд конлар самарадорлигини ошириш, геологик қидирувни кучайтириш, янги қудуқлар бурғилаш ва замонавий технологияларни жорий этишга қаратилмоқда. Масалан, 2025 йилда “Ўзбекнефтьгаз” корхоналари 25,2 млрд. куб метр табиий газ қазиб чиқариб, 56 та янги қудуқ бурғилаган.

2026-2027 йилларда табиий газ чиқариш ҳажмини барқарор даражада таъминлаш, 300 дан ортиқ геологик-техник чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Ўз навбатида, газни аҳоли ва корхоналарга етказиб бериш тизими ҳам модернизация қилинмоқда: магистраль қувурлар, компрессор станциялари ва газ тақсимлаш тармоқлари таъмирланмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон нефть-газ саноати хомашё қазиб олишга асосланган тизимдан нефть ва газни қайта ишлаш, газ-кимё маҳсулотлари ва синтетик ёнилғи ишлаб чиқаришга йўналтирилган замонавий саноат тармоғига айланди. Янги заводлар, газни сақлаш иншоотлари, қайта ишлаш корхоналари, янги конлар ва замонавий технологиялар барпо этилди. Булар мамлакатнинг энергетик хавфсизлиги ва саноат салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичида турибди. Айниқса, сўнгги ўн йил мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар даври бўлди. Иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, саноатни модернизация қилиш билан бир қаторда таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя, хотин-қизлар ва ёшлар сиёсати, маҳалла тизими ҳам янги мазмун касб этди.

Энг муҳими, бу ислоҳотларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки уларнинг барчасини бирлаштириб турган ягона ғоя бор. Бу — инсон қадрини юксалтириш, фуқаронинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитларни яратиш ва давлат хизматларини халққа янада яқинлаштириш.

Яқинда 25 август куни Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз ҳудудларида янги объектларни ишга тушириш маросимида бу жараённинг кенг кўлами яна бир бор намоён бўлди. Бир вақтнинг ўзида 72 та йирик саноат ва сервис лойиҳаси ҳамда 91 та ижтимоий соҳа объекти — жами 163 та объект фойдаланишга топширилди. Уларнинг умумий қиймати қарийб 50 трлн. сўмни ташкил этиб, янги лойиҳалар ҳисобига 15 мингта иш ўрни яратилиши белгиланди.

Бу рақамлар, албатта, мамлакатимизда иқтисодий фаоллик ва инвестиция жараёнлари тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади. Уларнинг мазмунига чуқурроқ назар ташласак, бу лойиҳалар ортида янада катта мақсад — иқтисодий ўсишни инсон фаровонлигига айлантириш вазифаси турганини кўрамиз.

Сўнгги ўн йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмининг 2,5 баробардан зиёд ошгани, иқтисодиёт тармоқларига катта миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилгани, минглаб саноат лойиҳалари амалга оширилгани иқтисодий салоҳиятимизни ўз қўлимиз ва имкониятларимиз билан юксалтираётганимиздан далолат беради.

Мустақилликнинг буюк қудрати ҳам шунда. У бизга тайёр келажакни эмас, аксинча ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратиш имконини берди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг энг муҳим натижаси ҳам, менимча, ана шу имкониятлар майдонининг кенгайганида намоён бўлмоқда. Бугун тадбиркорлик қилиш, билим олиш, янги касб эгаллаш, хорижий бозорларга чиқиш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, ўз ташаббусини амалга ошириш учун кечагидан кўра кўпроқ имкониятлар мавжуд. Бу имкониятларни самарали натижага айлантириш эса ҳар биримизга боғлиқ. Мустақилликнинг 35 йиллиги шу маънода фақат ўтган тарихимизга баҳо бериш эмас, бу — келажак олдидаги масъулиятимизни яна бир бор ҳис қилиш даври.

Шуҳрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

МИЛЛИЙ БИРДАМЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Бу йил халқимиз миллий истиқлолимизнинг ўттиз беш йиллик шонли санасини “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратайлик!” деган бош ғоя асосида юксак ғурур ва кўтаринки кайфият билан нишонламоқда. Зеро, ушбу шиор замирида Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, халқимиз бирлиги ва ҳамжиҳатлиги, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишонч каби эзгу ва ҳаётий ғоялар мужассам.

Муносабат



Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидланганидек, мустақиллик бизга шону шарафимиз, муқаддас динимиз, она тилимиз ва унутилаётган миллий қадриятларимизни қайтариб берди. Истиқлол туфайли биз ўзлигимизни англаб, улуғ ота-боболаримизнинг муносиб ворислари эканимизни бутун дунёга намоён этдик.

Дарҳақиқат, мустақиллик — халқимиз тақдирида туб бурилиш ясаган, мамлакатимиз тараққиёти учун мутлақо янги имкониятлар эшигини очган буюк тарихий воқеадир. Истиқлол йилларида Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаб, миллий манфаатлар, халқимизнинг асрий орзу-интилишлари ва ҳаётий эҳтиёжларига таянган ҳолда изчил ривожланиш сари дадил қадам ташлади. Бугун мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ва янгиланиш жараёнлари ана шу мустақил тараққиёт йўлининг амалий самарасини яққол намоён этмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфасининг ўзгариши, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган эзгу ташаббуслар юртимиздаги улкан ўзгаришларнинг ёрқин ифодасидир.

Энг муҳими, қўлга киритилаётган улкан натижалар, айниқса, кейинги ўн йилда давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси ва ташаббуслари билан барча соҳаларда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар марказида инсон қадри, халқимизнинг манфаати турибди. Зеро, ўтган даврда юртимизда инсон қадрини улуғлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар юз берди. Янги таҳрирдаги Конституциямиз Ўзбекистонни инсон қадри улуғланган ижтимоий давлатга айлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда тадбиркорликка ҳам кенг йўл очилиб, иқтисодиётни диверсификация қилиш, рақобатбардош саноат тармоқларини яратиш, чекка туман ва қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича улкан ишлар бажарилди. Иқтисодиётимиз ҳажми 2,5 баробардан зиёд ошиб, иқтисодиёт тармоқларига 160 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилингани мамлакатимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Бу, аввало, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, минглаб янги иш ўринларини яратиш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, энг муҳими, халқимизнинг даромади ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, умумий қиймати 76 млрд. долларлик 2 163 та йирик саноат лойиҳаси ишга туширилиб, қарийб 6 миллион нафар аҳоли доимий иш ўрни билан таъминланган мамлакатимиз иқтисодий қудрати тобора юксалиб, халқимиз фаровонлиги изчил ошиб бораётганидан далолат беради.

Биргина жорий йилнинг ўзида 1,7 млрд. долларлик 56 та йирик замонавий саноат ва сервис объекти иш бошлагани, 8,8 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилиши мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий самараси, иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлиги йўлидаги изчил саъй-ҳаракатларнинг ёрқин натижасидир.

Давлатимиз раҳбари нутқида айтилганидек, катта сиёсий ирода билан Ўзбекистон дунёга кенг очилди, чегара муаммолари ҳал қилиниб, қўшнилар билан дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланди. Валюта, солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада мамлакатимизнинг Иқтисодий эркинлик индексидаги ўрни 80 поғона яхшиланиб, Ўзбекистон иқтисодиёти мўътадил эркин давлатлар қаторидан жой олди.

Ушбу рақамлар эса мамлакатимиз иқтисодиётида сўнгги йилларда рўй берган улкан ўзгаришлар ва юксалишларнинг ёрқин намунасидир. Зеро, бугун мамлакатимизда барча соҳадаги ислоҳотлар чуқурлашиб, демократик янгиланишлар ўзининг сифат жиҳатдан янги поғонасига кўтарилиб бормоқда. Бундай ўзгаришларнинг туб илдизи эса давлатимиз раҳбари илгари сурган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва сўнгги ўн йилда амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлардан иборат, десак, айни ҳақиқат.

Илгари иқтисодиётимизга йилига 2-3 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, ҳозир мазкур кўрсаткич 40 — 50 млрд. долларни ташкил этмоқда. Бу шунчаки рақамлар ўсиши эмас, балки Ўзбекистонга бўлган ишонч, қизиқиш ва ҳамкорлик истагининг тобора мустаҳкамланаётгани ифодаси. Муҳими, мамлакатимизга кириб келаётган ҳар бир сармоя янги имкониятлар, замонавий технологиялар ва илғор ғоялар учун йўл очяпти. Бу эса Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг дунёга тобора очилаётгани, сармоядорлар учун жозибадор ва истиқболли маконга айланаётганини яққол намоён этмоқда.

Президентимиз нутқи халқимизни мустақилликнинг беқиёс қадрини янада чуқур англашга, бугунги тинч ва фаровон ҳаётнинг замирида улкан меҳнат, матонат ва бирдамлик мужассам эканини ҳис этишга хизмат қилади. Унда белгиланган устувор мақсад ва вазифалар Янги Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш, инсон қадрини улуғлаш, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни изчил давом эттириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида муҳим дастуриламал бўлади. Энг муҳими, бу барчамизни Ватан равнақи учун биргаликда ҳаракат қилишга, мустақиллигимизни қадрлашга ва уни келажак авлод учун асраб-авайлашга ундайди.

Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Конференция

ТИНЧЛИК ВА УМУМИЙ ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

26 — 28 август кунлари Камбоджа Қироллигининг Пномпень шаҳрида “Тинчлик ва умумий фаровонлик йўлидаги ҳамжиҳатлик: халқаро ҳуқуқни мустаҳкамлаш ва можароларни тинч йўл билан ҳал этиш” мавзуида парламент спикерларининг II парламентлараро конференцияси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги Ўзбекистон Олий Мажлиси делегацияси қатнашди.

Ушбу нуфузли халқаро тадбирда Камбоджа, Покистон, Россия, Беларусь, Мексика, Гана, Бруней, Мьянма ҳамда бошқа бир қатор давлатлар парламентлари аъзолари дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, парламент дипломатияси ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

А. Эшмуратов ўз маърузасида парламент дипломатиясида Ўзбекистон ўзига хос миллий тажрибага эга эканлигини, Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик муҳити сезиларли даражада мустаҳкамланганини, мураккаб масалаларни музокаралар орқали ҳал этиш амалиётига алоҳида урғу берилаётганини таъкидлади.

Тадбир доирасида Камбоджа қироли Нородом Сиамони Ўзбекистон Олий Мажлиси делегацияси билан учрашиб, икки томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Олий Мажлиси делегацияси Россия, Беларусь, Вьетнам парламентлари вакиллари билан парламентлараро ҳамкорликни кучайтириш масаласи юзасидан учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон парламенти аъзолари Камбоджа миллий бренди остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар кўргазмасида ҳам иштирок этди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Шу йил 4 — 6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Мураккаб даврда барча учун шахсий ҳуқуқ, адолат ва қадр-қимматни тиклаш” мавзуида Парламентлараро Иттифоқ Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференцияси бўлиб ўтади.

Анжуман

Айни тадбир ва унинг парламентлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги аҳамияти борасида дунёнинг етакчи ОАВларида мақолалар эълон қилинмоқда. Хусусан, Покистоннинг “World Tribune Pakistan” нашрида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Парламентлараро Иттифоқ Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференциясига бағишланган ахборот эълон қилинди.

Нашрда хабар берилишича, нуфузли анжуманда 183 мамлакат вакиллари, 15 та халқаро ташкилот, 50 нафарга яқин доимий кузатувчилар ҳамда 300 нафардан ортиқ иштирокчилар қатнашиши кутилмоқда.

Конференция доирасида бугунги кунда ёшлар дуч келаётган долзарб муаммолар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Шунингдек, тадбир кун тартибидан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорликнинг ўрнига бағишланган халқаро форум ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Одам ҳаётда баъзан билмай ёки ўйламай хато қилади. Унинг оқибатини эса вақт ўтиб англаб етади. Муҳими — инсон хатосини тан олиб, ундан чин дилдан пушаймон бўлиши ва ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга интилиши. Ана шундай кишига ишонч билдириб, яна бир имконият бериш инсонпарварликнинг ёрқин ифодасидир.

Акс садо



Халқимиз азал-азалдан инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва кечиримлиликни энг улуғ қадриятлардан деб билган. Хато қилган инсонга ишонч билдириш, уни тўғри йўлга қайтариш, қўллаб-қувватлаб, қалбида яна умид уйғотиш — халқимизга хос эзгу фазилат. Бу хайрли анъана бугун ҳам юртимизда ўз қадри ва аҳамиятини йўқотмай, давом этиб келмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз беш йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари устувор эканини яна бир бор намоён қилди.

Мазкур ҳужжат инсон қадри ва шаънини улуғлаш, адашган фуқароларга тузалиш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаш учун яна бир имконият беришга қаратилган эзгу сиёсатнинг амалий ифодаси бўлди, десак, айни ҳақиқат. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 852 нафар шахс афв этилди.

Бу эзгу қарор туфайли кўплаб хонадонларга қувонч кириб, оилалар бағри яна тўлди. Энг муҳими, афв этилган фуқаролар билдирилган юксак ишончни оқлаб, ўтмишдаги хатоларидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлдан боришга қатъий аҳд қилади. Чунки берилган яна бир имконият инсонни эзгу мақсадлар сари ундаб, унинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Афв этилган шахсларнинг 604 нафари асосий жазодан тўлиқ озод бўлди, 115 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 52 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси эса енгилроғи билан алмаштирилди. Шунингдек, 81 нафар шахсга тайинланган жазонинг муддатлари қисқартирилди. Бу афв этилган шахсларга оиласи бағрига қайтиш, меҳнат қилиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ҳаётини янгидан бошлаш учун имконият, дегани.

Мазкур фармон янги тараққиёт даврида юртимизда инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги ислоҳотларнинг давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётимизга нечоғли улкан миқёс ва кенг кўламларда татбиқ этилаётганининг навбатдаги ўзига хос кўринишидир. Зотан, жиноят учун жазо муқаррарлигини англаган, тузалиш йўлига ўтган, афв этишини сўраб, Президентга илтимоснома билан мурожаат қилган жазони ижро этиш муассасаларидаги ҳар бир маҳкум индивидуал ўрганилиб, соғлиғи, оилавий ҳолати чуқур таҳлил қилинмоқда.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди. Бу уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтиришга, яратилаётган имкониятлардан тегишли хулоса чиқариб, юрт тараққиётига ўз улушини қўшиши, оиласи ва юртимизга наф келтиришига муҳим омил бўлади.

Эътибор беринг, ушбу ҳужжат билан 852 нафар шахс афв этилди. Бу кичик рақам эмас. Уларнинг ҳар бирининг ортида кўзи тўрт бўлиб кутаётган оила аъзолари, яқинлари турганини инобатга олсак, ҳар куни фарзандининг “Дадам қаерда, қачон келади?” деган саволига жавоб тополмай, юраги бағри эзилган оналарни кўз олдимизга келтирсак, унинг моҳиятини янада теранроқ англаймиз.

Ушбу хайрли иш Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги байрами арафасида рўй бергани замирида ҳам ўзига хос рамзий маъно мужассам. Зеро, бу — юртимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг тақдири ва келажагига дахлдорлик билан муносабатда бўлишга қаратилган инсонпарвар сиёсатнинг яна бир ёрқин ифодаси. Айни пайтда мазкур эзгу қадам халқимиз қалбидан чуқур жой олган бағрикенглик, кечиримлилик, олийжаноблик ва меҳр-мурувват сингари юксак фазилатларнинг ҳаётдаги амалий намоёнидир. Бу эса мустақилликнинг энг улуғ қадрияти — инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати ва тақдирига эътибор эканини яна бир бор намоён этди.

Ҳар қандай инсон хато қилиши мумкин. Муҳими, буни англаб, тўғри йўлга қайтишдир. Бундай инсонларга ишонч билдириш, жамиятга қайтиши учун шароит яратиш демократик жамиятнинг юксак фазилати саналади. Афв этилган шахсларни қўллаб-қувватлаш фақат масъул идораларнинг вазифаси бўлиб қолмаслиги керак. Бу жараёнда маҳалла, жамоатчилик ва биз депутатлар ҳам фаол қатнашишимиз лозим. Уларнинг муаммоларини эшитиб, амалий ёрдам кўрсатсак, жамиятга мослашишига катта ҳисса қўшган бўламиз. Зотан, бу юртда инсон азиз, унинг қадр-қиммати ҳар нарсадан устун.

Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистондаги қўшимча 1 568 та умумий ўрта таълим мактабида янги мезонларга асосланган баҳолаш тизими жорий этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни —02.25 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-8788